O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 18 август, чоршанба • № 67 (11.662) • Эркин нархда сотилади

Янгийўл шаҳри тадбиркорлари ва ишбилармонлари жамғармалари ҳисобига қурилаётган қатор мустақиллик иншоотлари бирин-кетин ишга туширилмоқда. Яқинда улардан бир нечтасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мустақиллик 13 йил

Тўйга тўёна билан

Янги муассасаларни фойдаланишга топширишга бағишланган тантаналарда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова иштирок этди.

Ушбу иншоотлардан бири – Янгийўл маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи шаҳарнинг илмий салоҳияти ривожига ҳисса қўшиши табиий. Шунингдек, шаҳар марказидаги «Янгийўл-Sinema» киноконцерт зали ҳамда Шароф Рашидов кўчасидаги саноатқурилиш банки илк мижозларини қабул қилди. «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш бирлашмасида ўрнатилган 475 минг АҚШ доллари миқдоридаги янги технология маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

Булардан ташқари, «Устозлар» хусусий фирмасининг ташаббуси билан деҳқон бозори ҳудудида қад ростлаган 200 квадрат метр саҳнли савдо ва умумий овқатланиш мажмуаси ҳам яқин кунларда ишга тушади. Назарали Ниёзов маҳалласида қурилиши бошланган болалар спорт майдонига ҳомийларнинг 20 миллион сўмлик маблағи ажратилган. Охунбобоев, Вокзал олди кўчаларидаги маиший хизмат расталари шаҳар кўркига кўрк қўшади.

Байрам арафасида тиббиёт ходимлари учун ҳам қулайликлар яратилмоқда. Шаҳардаги туғруқхона мажмуаси, катталар поликлиникаси бинолари қайта таъмирдан чиқарилиб, замонавий кўринишга келтирилмоқда. Шунингдек, 4- ва 13-мактаблар тубдан таъмирланиб, жиҳозлар билан таъминланди.

Энди ўқувчилар янги ўқув йилини кўркам, озода синфхоналарда бошлашади.

Янгийўл компьютер тармоқларини амалиётга киритиш марказининг биносида сўнгги пардозлаш ишлари жадал суръатларда олиб бориляпти.

Хуршида НАЗАРОВА.

СУРАТЛАРДА: Янгийўл маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг очилиш маросимида рамзий калитни топшириш пайти; коллежнинг умумий кўриниши; «Вокзал олди» кўчасидаги савдо растаси.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Ерга муносабат – эл-юртга муносабат

Олис мозий қатлари ибратли ҳикоятларга тўла. Ҳоқонлардан бири ҳақида шундай ривоят қиладилар.

Душман ҳоқонни урушга тортиш учун баҳона излайди. Шу боис даставвал унинг бир соатда минг фарсах йўл босадиган учқур тулпорини сўрабди. Ҳоқон машварат чақирибди, урушнинг даҳшатли оқибатларидан кўра севган отидан ажралмоқни афзал билибди. Душман эса энди ҳоқондан маълум миқдорда бойлик талаб қилибди. Ҳукмдор жами беклари, қўшин бошлиқларининг даъватига қарамай, урушга рухсат этмабди. Душман тарафдан яна элчилар келибди. Бу гал улар унумсиз, яйдоқ, қақроқ бир парча ерни сўрабди. Машварат аҳли шу яроқсиз ерни бериш билан мамлакат бир нарса бўлиб қолмаслигини айтган экан, хон ларзага келибди: «Шу қақроқ ер – Ватаннинг азиз парчаси, у бизнингина мулкимиз эмас. Мозорда ётган ота-оналаримизнинг, қиёматга қадар туғиладиган набираларимизнинг бу муқаддас тупроқда ҳақлари бордир. Ватан заминидан – бир қарич бўлсин – бермоққа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. От ҳам, бойлик ҳам топилади. Аммо Ватан топилмайди, у битта, ягона. Шу боис энди урушамиз. Бошқа чора йўқ!»

Ҳа, ер, замин, тупроқ – азалдан халқимиз учун табаррук неъмат ҳисобланади. У бизни едиради, ичиради, фаровон турмуш кечиришимиз учун моддий негиз яратади. Донолар айтганидек, «сен ерни боқсанг, ер сени боқади».

Минтақамизда ер тўрт илоҳий ва муқаддас унсурдан бири сифатида – ҳаво, сув ва олов қаторида қадимдан эъзозлаб келинган.

Бобо-момоларимиз шўҳ-чақмоқ набиранинг ҳар қанча шўҳлигига чидаб, тоқат қилиши мумкин, аммо суюкли ва эрка дилбанди митти оёқчалари билан ерни топтаб сабаб-бесабаб ҳархаша бошлаганида, сабр-косаси тўлиб, қатъий ва насиҳатомуз оҳангда «Ерни тепма!», дея дакки беришларига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Ерга ҳурмат-эҳтиром туйғуси бизнинг қонимизда, тафаккуримизда, таълим-тарбиямизда мужассам эканидан бир нишонадир бу.

Афсуски, охирги юз йилликда аждодларимизнинг табиатдан, ердан фойдаланиш соҳасидаги ана шу анъанавий одоб-ахлоқ қоидалари бир қадар унутиб юборилди. Бунда собиқ совет тузумининг турли сохта ва пуч шиорлари «катта хизмат» қилгани сир эмас.

Ердан фойдаланишнинг шўроча механизмига кўра инсон ердан амалда бутунлай ажратиб қўйилганди. Деҳқон далада эртадан-кечгача оғир меҳнат қилиб, пешона терини тўкаверар, аммо бу меҳнат маҳсули ўз мулки, ўзи эса мулкдор эканлигини мутлақо ҳис қилмасди. Зотан, бу мумкин ҳам, шарт ҳам эмасди-да!

Ер ташвишини чексанг чекавер, аммо қайғурмасанг ҳам зиёни йўқ. Негаки, ер – давлатники, демак, ҳеч кимники. Худди шу даврда республикамиз ва умуман, минтақамиз бошига ёғилган турли экологик фожиалар ерга муносабат борасидаги нотўғри сиёсатнинг ҳам аянчли оқибатидир, десак янглишмаган бўламиз.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президентимиз Ислом Каримов юртимиз истиқболи, халқимиз келажаги кўп жиҳатдан ердан фойдаланиш муносабатлари қандай ташкил этилишига боғлиқ экани ҳақидаги ғояни илгари сурди. Озод мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида асосий бойлигимиз – ерга муносабатни ўзгартириш етакчи йўналиш этиб белгиланди.

Истиқлол йилларида қабул қилинган бир қатор қонунларда, Президент фармонларида, ҳукумат қарорларида қишлоқ хўжалигида ишларни қандай ташкил этиш, ерга қандай муносабатда бўлиш кераклиги пухта ва аниқ кўрсатиб берилди. Конституциямизда ер умуммиллий бойлик ва давлат муҳофазасида экани, ердан оқилона фойдаланиш зарурлиги ёзиб қўйилган. Шу асосда қабул қилинган Ер кодексида халқимиз ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ердан самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишга қаратилган муҳим принциплар мустаҳкамланди.

Ушбу ҳуқуқий негизга таянган ҳолда мамлака-

(Давоми 2-бетда).

Оммавийлик, якдиллик, кўтаринкилик

руҳида ўтган умумхалқ ҳашарида каттаю кичик унумли меҳнат қилди

Мамлакатимиз мустақилликка эришганлигини ўн учинчи маротаба нишонлашга ҳозирлик кўрмоқдамиз. Шу қутлуғ арафа кунлари шаҳар ва қишлоқларимизда алоҳида жўшқинлик, ўзгача руҳият кўзга ташланмоқда. Одамлар ўз хонадонларига, кўча-кўйларга, маҳаллаларга оро бериб, қишлоқларга янги либос кийдириб, шаҳарларга кўрк беришаяпти.

Бу йил мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили эканлиги ана шу ҳозирликларга ўзгача мазмун бағишламоқда. Халқимизнинг ҳожатмандга далда бўлиш, камхаржга мурувват кўрсатиш фазилати янгича кўринишларда намоён бўлмоқда. Куни кеча мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида ўтган умумхалқ ҳашари ҳам ана шу мақсад йўлидаги хайрли саъй-ҳаракатларга ҳамоҳанг бўлди. Халқимиз шу куни ишлаб топган маблағларини камхарж, кам таъминланган хонадонларга ёрдам кўрсатиш, ногиронларни, қаровчисиз қолган кишиларни қўллаб-қувватлашга ажратмоқда.

Умумхалқ ҳашари вилоятимизда, унинг шаҳар ва қишлоқларида ғоят самарали ўтди. Ҳамма гап бу хайрия ишига олдиндан пухта тайёргарлик кўрилганлигида, барча ишлар расамади билан режалаштириб олинганида бўлди. Вилоят ҳокимининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида август ойи ободонлаштириш ва тозалик ойи деб эълон қилинган эди. 13 август мана шу ойлик мобайнида ўтказилаётган жамики ишларнинг оммавий тус олган куни бўлди. Шаҳар ва туманларимиздаги барча корхона ва ташкилотларнинг ходимлари, маҳаллалар аҳолиси умумхалқ ҳашарига чиқди. Бу ялпи меҳнат самарали бўлганлигининг ўз сабаблари бор. Чунки, умумхалқ ҳашаридан тушган жамики маблағлар «Маҳалла» жамғармаси орқали кам даромадли оилаларни қўллаб-қувватлашга, бошқа ҳожатталаб кишиларга зарур ёрдам кўрсатишга сарфланади. Мана шу ният ўн минглаб кишилар ҳашарга чиқишлари, унумли, самарали меҳнат қилишлари учун катта омил бўлди.

Бекобод шаҳрида 75 минг киши шанбаликка чиқди. Уларнинг кўпчилиги ўз иш жойларида, қолганлари маҳаллаларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари билан банд бўлишди. Шу куни жами 53,2 гектар саҳндаги майдонлар, кўчалар, йўлкалар тозаланиб, тартибга солинди. 290 тоннадан зиёд маиший ва қурилиш чиқиндилари алоҳида ажратилган жойларга чиқариб ташланди. Агар 45,3 километр узунликдаги ариқ ва қопламалар, оқава йўллари тозаланганлигини айтсак, бажарилган ишларнинг кўлами рўй-рост намоён бўлади. Шаҳардаги 47 та гузар, зиёратгоҳ жойлар ва бошқа манзиллар супириб-сидирилиб, кўримли ҳолга келтирилди. Ҳашар куни эҳтиёжманд оилаларга 652 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

Шундай ишларни эрта тонгдан Олмалиқ, Оҳангарон ва бошқа шаҳарларда ҳам, Қибрай, Паркент, Чиноз, Янгийўл ва бошқа туманларнинг олис-яқин қишлоқларида ҳам кузатиш мумкин эди. Бўка туманининг «Бўстон», Азаматов номли, «Хўжақўрғон», «Мустақил Ўзбекистон» ширкат хўжаликларининг пахтакор ва чорвадорлари шу куни ниҳоятда унумли меҳнат қилишди.

Вилоятимизнинг бошқа бир томони – Ан-

(Давоми 2-бетда).

• Нуқтаи назар

Муҳим қадам

Куни кеча матбуотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги муҳим бир қарори эълон қилинди. «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги бу қарор мамлакатимизда савдо-тижорат соҳасида янги босқични бошлаб бериши шубҳасиз.

Маълумки, ҳар бир мамлакатнинг ички савдоси ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бир қаторда четдан келтирилган товарлар билан рангбаранг, хилма-хил ва бой. Мустақиллик йилларида тижорат учун эшиклар кенг очилди. Истаган киши ўз имкониятига қараб, ҳориждан кенг истеъмол буюмлари, бошқа саноат маҳсулотлари келтириб, уларни сотиш билан шуғулланишга бошлади. Афсуски, шундан фойдаланиб, баъзи «тадбиркорлар» ички бозорни хорижнинг сифатсиз, гоҳида инсон сиҳат-саломатлиги учун таъсири гумонли бўлган маҳсулотлари билан тўлдириб ташлаган вақтлар ҳам бўлди. «Ёввойи» тижоратчилар давлат қонунларини четлаб ўтиб, пинҳона йўллар билан хориж маҳсулотларини ички бозорларга олиб киришга уринаётганликлари ҳам сир эмас.

Албатта, давлат идоралари бундай кўринишларга чек қўйиш, истеъмолчи манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўрмоқда. Янги қарор бу борада олиб борилаётган ишларни янада самарали тус олдиради, деб ўйлаймиз.

Бу қарор товарларни импорт қилиш ва уларни сотиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар фаолиятини тартибга солади, савдонинг уюшган, маданиятли шаклларини ривожлантиришга хизмат қилади. Қарорда бунга эришишнинг аниқ ва равшан йўллари, омиллари ва воситалари белгилаб қўйилган. Эндиликда ким импорт операциясини ва чакана савдони амалга оширмоқчи бўлса, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтади. Албатта, бу тижорат билан шуғулланишга аҳд қилган сармоядорлар фаолиятини енгиллаштириб, жонлантиради. Қолаверса, уларнинг тижорат ишлари даражасини аниқ кузатиб бориш имконини беради.

Якка тартибдаги тадбиркор бозорларда фақат ўзи бевосита олиб келган импорт товарлар билан чакана савдони кенг кўламда, эмин-эркин амалга оширишга ҳақли. Демак, бозорларимизда авж олган чайқовчилик, олиб-сотарлик муайян даражада чекланиб боради. Қарор бозорларни товарларга тўлдириб, истеъмолчиларнинг манфаатларига хизмат қилиши шундан ҳам маълум. Бунинг учун тадбиркор эркин савдога чиқариш учун мўлжалланган товарларни юк божхоналарида расмийлаштириши, белгиланган божхона декларациясига эга бўлиши керак. Мувофиқлик сертификатлари, божхона ва бошқа тўловлар тўланганлиги бундай савдога кенг йўл очади, тадбиркорга ўз фаолият кўламларини кенгайтириш учун катта имкониятлар беради.

Албатта, қарорни амалга ошириш тегишли вазирликлар ва бошқа маҳкамаларнинг бир қатор ташкилотчилик ишлари билан боғлиқ. Жумладан, қарорда юридик шахс бўлмасдан импорт товарларни олиб келиб сотувчи якка тартибдаги тадбиркорлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва божхона органлари томонидан ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатга олиниши мўлжаллаб қўйилган. Бу жараённи пухталаштириш, эпчил тус олдириш ички бозорни сифатли, арзон ва харидоргир товарлар билан тўлдиришнинг энг муҳим гаровидир. Давлат идоралари ва якка тартибда иш юритувчи тадбиркорлар ўз хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириб борган, белгиланган қонун ва қарорларга оғишмай амал қилган тақдирда бу жараён самарали тус олади.

Қарорда товарларни импорт қилиш ва уларни ички бозорларимизда сотиш билан шуғулланувчи шахслар фаолияти учун масъуллик доираси ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Эндиликда юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни хориждан олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорлар белгиланган чора-тадбирларга риоя этишлари учун шахсий жавобгарлик солиқ идораларининг биринчи раҳбарлари зиммасига юклатилганлиги ҳам ниҳоятда муҳимдир. Бу савдони яхшилашга, ҳақиқий тижоратчилар учун чинакам йўл очишга хизмат қилади, айрим пинҳона тадбиркорлар фаолиятини кескин чеклайди. Пировардида бозорларимиз сифатли маҳсулотларга тўлиб, тижоратчилар фаолияти кескин жонланади.

Биз ички бозорни тўлдириш, халқимизнинг манфаатларига хизмат қилувчи товарлар мўл-кўллигини таъминлаш йўлида янги қадам қўйдик. Вазирлар Маҳкамасининг бу қарори ҳақиқий тижоратчи тадбиркорларимиз саъй-ҳаракатларига янгича сифат бағишлайди. Савдо ривожланиб, бозорларимиз жонланади.

Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.

ВИЛОЯТ ҳаёти

Вакилларимиз биринчи

Чирчиқ шаҳрининг Жалолиддин Мангуберди номидаги спорт мажмуида ҳарбий амалий кўпкураш бўйича мамлакат биринчилиги якунланди. Унда юздан зиёд ҳарбий-спортчи иштирок этди.

Юз ва уч минг метрга югуриш, узунлик ва баландликка сакраш, граната улоқтириш, ўқ отиш, турникда тортилиш, тўсиқли йўлакчалардан ўтиш, сузиш каби спорт турларида ўз маҳоратини намойиш этган Тошкент вилояти вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин фарғоналикларга, учинчи ўрин эса Сурхондарё вилояти спортчиларига насиб этди.

Коллеж ёшларни чорлайди

Янги ўқув йилидан бошлаб Қибрайдаги касб-ҳунар коллежлари сони яна биттага кўпаядиган бўлди. Туманнинг «Байтқўрғон» қишлоғида замонавий ўқув маскани қад рослади.

200 нафардан ошиқ ўғил-қизларга 11 йўналишда касб-ҳунар ўргатадиган Байтқўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт коллежининг умумий лойиҳаси 1,5 миллиард сўмга яқин. Маскан уч қаватли ўқув биносига, очиқ ва ёпиқ спорт залларига, ошхона, кутубхона ва бошқа бир неча қулайликларга эга. Янги таълим муассасасида ўқиш истагини билдириб мурожаат қилаётган ёшлар сони тобора ортмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Мазмунли ўтаяпти

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент, Қибрай ва Паркент туман бўлимларида фаолият олиб бораётган фаоллар Паркентдаги «Сумча» оромгоҳида ёзги таътилларини ўтказаётган Бўка тумани меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳузурида бўлишди.

Мазмунли ўтган тадбир давомида 110 нафар ўғил-қизларга турли эсдалик совғалари ва ширинликлар тарқатилди. Тумандаги «Бойчечак» дам олиш масканида ҳордиқ чиқараётган қорақалпоғистонлик ва хоразмлик ўқувчи ёшлар ҳузурида ҳам шундай учрашув бўлиб ўтди.

Муҳаммад СУННАТОВ.

ВИЛОЯТ ҳаёти

Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XXII сессиясини чақириш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига биноан қарор қиламан:

Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XXII сессияси 2004 йил 20 август куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Вилоят ҳокими К. ТЎЛАГАНОВ.

Тошкент шаҳри, 2004 йил 14 август.

● *Кучли давлатдан – кучли жамият сари*

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Кимлар сайлаш ҳуқуқига эга эмас?

Шодмон Рихсиев, Дўстобод.

Илгарилари судланган фуқаролар депутатликка номзодлар учун овоз бериш рўйхатига олинмас, сайлаш ҳуқуқига эга эмас эди. Табиийки, бу ҳолат бирор тасодиф ёки ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра жиноятга аралашиб қолган кишиларни бир умр тўлақонли ижтимоий-сиёсий фаолиятдан четлаштириб қўярди. Эндиликда бу қоида фақат содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судлангани олиб ташланмаган фуқароларга тааллуқли бўлиб қолди. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ҳам бу ҳуқуқдан маҳрумдирлар ва сайловда қатнашмайдилар.

Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга асло йўл қўйилмайди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкораликни таъминлаш бўйича қандай талаблар амалга оширилади?

Абдусаттор Зоҳидов, Қатортол қишлоғи.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширадилар.

Сайлов комиссиялари барча фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этиб борадилар. Сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, чунончи, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодларини кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан бир нафардан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ҳамда ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.



Оммавийлик, якдиллик, кўтаринкилик

руҳида ўтган умумхалқ ҳашарида каттаю кичик унумли меҳнат қилди

грен шаҳрида ҳам умумхалқ ҳашари кўп-кўп одамларни кўчаларга, майдонларга олиб чиқди. Ҳамма ерда орасталаш ишлари кечгача давом этди. Облиқ, Гулбоғ, Лашкерак, Обпартак, Кўктерак маҳаллаларида кексаю ёш бирдек ғайрат кўрсатиб ишлади. Умуман, мустақиллик байрами арафасидаги бу умумхалқ меҳнатида 51 маҳалладан меҳнатга яроқли барча кишилар иштирок этди. Жумладан, ҳашар йўли билан Облиқдаги болалар спорт мажмуаси тартибга солинди. Ҳашар куни 120 та транспорт воситаси пайдарпай ишлаб турди. Якка-ёлғиз, эҳтиёжманд кишиларга 2 миллион 875 минг сўмлик меҳр-мурувват ёрдами кўрсатилди.

Оҳангарон туманининг олис, чекка қишлоқларида ҳам бу йилги ҳашар оммавий тус олди. Умумхалқ ҳашарида 51 минг киши иштирок этди. Улар катта ҳажмдаги ободонлаштириш, тозалаш-орасталаш ишларини адо этишди. Шу куни ҳашар йўли билан 12 та кўп қаватли уй таъмирланиб, рисолага келтирилди.

Вилоятимиз бўйича умумхалқ ҳашарида 1 миллион 110 минг 700 киши иштирок этиб, катта байрамолди тайёргарлик ишларини амалга оширди. Қишлоқ ва шаҳарлар маиший ва қурилиш чиқиндиларидан тозаланиб, 6 минг 889 тонна юк тегишли жойларга ташиб қўйилди. Ёки бошқа бир мисолни олиб кўрайлик: умумхалқ ҳашари куни вилоят бўйича 762 кишининг уй-жойи таъмирлаб берилди. 10 миллион 802 минг сўм миқдорида моддий ёрдам олган камхарж хонадонлар, якка-ёлғиз кишиларнинг шу кунги қувончлари чексиз бўлди. Умумхалқ ҳашари куни, қутлуғ байрам арафасида кишилар кўнглини олишнинг аҳамияти беқиёс. Халқимизнинг бу фазилатлари тобора кенг қўлам ва янги-янги кўринишларда намоён бўлиб бормоқда. Мустақиллик, азалий қадриятларимизнинг тикланаётганлиги бу жараёнда асосий омил бўлаётир. Ўзбекистон турли миллат фарзандларининг ягона хонадонига айланиб бормоқда. Унинг файзи, таровати, қутбаракаси ортиб, дилларга қувонч бағишламоқда. Халқимиз ўз қутлуғ ва муборак миллий байрамини нишонлашга ана шу руҳ билан бормоқда.

Жўрабек МУРОДОВ, Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: *(юқорида) Бўка туманидаги машина-трактор парки таъмирчи усталари ва (пастда) ангренликлар умумхалқ ҳашарида.*

Даврон АҲМАД, Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ерга муносабат – эл-юртга муносабат

тимизда ширкат ва фермер хўжаликлари, оилавий пудрат, пайчилик асосида ишлаш каби мулкчиликнинг янги ҳамда самарадор шаклари кенг жорий этилаётир.

Ернинг унумдорлигини ошириш учун, аввало, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ишлари устувор мақсад деб қаралмоқда. Қишлоқ хўжалигини замонавий технология, техника ва ускуналар билан таъминлаш асосида, уларнинг ишлаб чиқариш имконияти ва сифати деҳқонларимизни қониқтирадиган даражада бўлишига жиддий эътибор берилянти. Бу борадаги кенг кўламли ислоҳот босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ўтган даврда Ўзбекистон дунёдаги муҳим стратегик маҳсулот – пахта толасининг асосий ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчиси сифатидаги ўрни ва нуфузини янада юксалтирди.

Шунинг баробарида, ғалла мустақиллигини қўлга киритдик. Мана, неча йилдирки, омборларимизда – ўз донимиз, тандирларимизда – ўз нонимиз. Юртимиз мева-сабзовот маҳсулотлари, узум, пилла, қорақўл тери, жун етиштириш бўйича МДҲ мамлакатлари орасида етакчи ўринда турибди.

Бу – истиқлол йилларида юртимиз тупроғининг ноёб даражада унумдорлик хусусияти қудратли агросаноат салоҳиятига эга мамлакат сифатида намоён бўлишимиз имконини берганидан яққол далолатдир. **Давлатимиз раҳбари лутф этганидек, дунёда ўзбек заминига тенг келадиган заминнинг ўзи йўқ.**

Айни чоғда, ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, мамлакатнинг келажагини белгилаб берадиган омил ҳам экани юртимизда яққол намоён бўлмоқда. Чунки ернинг иқтисодий ва демографик вазифаси йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Ислом Каримовнинг «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида» китобида қайд этилишича, республикамизнинг 447,4 минг квадрат километрдан ортиқ бўлган умумий майдонининг атиги 10 фоизнигина экин майдонлари ташкил этади. Бизда аҳолининг ўсиши нисбатан юқори бўлиб, урбанизация ва ҳосилдор ерларни шаҳарларни ривожлантиришга, уй-жой қурилишига, янги корхоналар, муҳандислик ҳамда транспорт коммуникациялари тармоғини барпо этишга ажратиб бериш жараёнлари жадал бормоқда.

Шуни ҳисобга оладиган бўлсак, ер заҳиралари билан таъминланиш муаммоси кескинлашиши мумкин. Боз устига, XX аср охирида ернинг табиий равишда чўлга айланиши етмаганидек, одамларнинг муносабати туфайли чўлга айланиб бориш жараёни ҳам давом этмоқда. Табиий муҳитнинг ёмонлашуви билан бирга, тупроқ нураши, шўрланиши, ер усти ва ер ости сувларининг сатҳи пасайиши ва бошқа шу каби салбий ҳодисаларнинг рўй бериши ҳам ер билан боғлиқ муаммоларни янада кучайтирмоқда.

Хўш, ердан оқилона ва унумли фойдаланиш, уни асраб-авайлаш, халқимиз онгу шуурига ерга нисбатан мулкчиликнинг янги шакллари моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурроқ сингдириш, фермерларимизга қонуний асосларда ер ажратиб бериш борасида бугун жойларда амалга оширилаётган ишларнинг аҳволи қандай? Бизга ҳаётимиз фаровонлигини таъмин этиш учун омонатга берилган, келгуси авлодларимизнинг ҳам ҳақ-насибаси бўлган ердан қанчалик мақсадга муносиб тарзда фойдалана олаяпмиз? Афсуски, баъзи ҳолларда омонатга хиёнат қилиш, демакки, жиноятга қўл уриш ҳоллари учрамоқда.

Президентимиз айни мавзунинг нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканига барча раҳбар ва мутасаддиларнинг, умуман, жамоатчилигимизнинг эътиборини мунтазам жалб этиб келмоқда. Жорий йилда бўлиб ўтган халқ депутатлари Андижон, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларидаги Юртбошимизнинг маърузалари бунинг ёрқин мисолидир.

Вилоятда собиқ раҳбар халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида йўл қўйган камчилик ва нуқсонлар қатори, мавжуд ер ресурсларини мақсадга зид равишда ишлатиш ҳолларига панжа орасидан қарагани атрофлича танқидий таҳлил этилди. Ердан ноқонуний фойдаланиш, уни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа моддий бойликларни талон-торож қилиш айнан кимлар томонидан ва қанча миқдорда содир этилгани, бундай ғайриқонуний ҳаракатларнинг замирида қандай қинғир ниятлар ётганлиги очиқ-ошкора айтилди.

Ислом Каримов уқтирганидек, биз ўзимизнинг буюк мақсад-муддаоларимизга етмоқчи эканмиз, бу нуқсонларни, аввало, ўзимиз аниқлаб, уларни бартараф этишимиз керак. Бундай ҳолатларни бекитиш, сир тутишга уриниш кимнидир эмас, аввало, ўзимизни алдаш демакдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда ерда меҳнат қилиб оиламни боқаман, ўз ишимни очиб, эл-юртга ҳам фойда келтираман, деган ният билан юрган айрим фермер ва тадбиркорлар турли идоралар эшигида сарсон бўлаётгани ҳолда, баъзи раҳбарлар ер ресурсларини мақсадга зид равишда ишлатиш ва талон-торож қилиш ҳолларини кўриб-кўрмасликка олаётгани, баъзан эса бундай бемазагарчиликларнинг бошида ўзлари тургани билан боғлиқ ҳолатлар тез-тез учрамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда пахта ва ғалла етиштириладиган майдонлар мониторинги ўтказилганда 24 минг гектардан зиёдроқ ердан мақсадсиз фойдаланилганлиги, шундан 5,4 минг гектар экин майдонлари ҳисоботдан яширилганлиги, 591 гектар ер ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани ҳолатлари аниқланган.

Энг ачинарлиси, ер ажратиш масалалари борасида масъул шахсларнинг ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилиши, қариндош-уруғчилик ва ошна-оғайнигарчилик муносабатларидан фойдаланиши каби салбий ҳолатлар кўп учраяпти. Текшириш натижаларига қараганда, мамлакат бўйича 125 нафар мансабдор шахс, жумладан, 44 нафар ҳоким ва уларнинг ўринбосарлари шундай номақбул ишлар билан шуғулланган экан.

Давлатимиз раҳбари куйиб-ёниб гапирганидек, агар ҳоким қинғир ва ҳаром ишларга қўл урса, бошқалардан нима кутиш мумкин?

Республика Бош прокуратураси қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси Эргаш Менглиев «Халқ сўзи» газетасининг шу йил 10 август сонида эълон қилинган «Ер табаррук неъматдир» номли мақоласида жойларда ернинг талон-торож қилинишига, одамларнинг кўз ўнгида қонунлар бузилишига, ошна-оғайнигарчиликка, таниш-билишчиликка йўл қўйилишида кўпинча ҳокимлар сабабчи бўлаётганини исбот этадиган кўплаб далил ва рақамлар келтирган.

Биз баён этаётган фикр-мулоҳазаларимизни асослаш мақсадида ана шу фактлардан айримларинигина эслатиб ўтишни лозим топдик. Жумладан, ер ажратишда ва бошқа моддий бойликларни талон-торож қилиш айнан кимлар томонидан ва қанча миқдорда содир этилгани, бундай ғайриқонуний ҳаракатларнинг Чуст тумани ҳокими Т.Рўзибоев, Бағдод тумани ҳокими Ш.Солижонов ва Урганч тумани ҳокими Р.Зоирхонов жиноий жавобгарликка тортилган. Пскент тумани ҳокими А.Ғофуров эса ўзининг биринчи ўринбосари – ер бериш комиссияси раиси Б.Дўсбеков билан келишиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида турли жиноятлар содир этган. Хусусан, у собиқ синфдоши – тегишли хўжаликка аъзо ҳам бўлмаган Ў.Эшонқуловга ҳамда таниши М.Мирсаидовага 10-25 гектардан ер ҳадя этиб, қонунни бузиш ҳисобига «ҳотамтойлик» қилганига нима дейсиз?

Шунингдек, Ромитан тумани ҳокими А.Нозимов синглисига 40,9, ўғлига 81 ва укасига 14,6 гектар ер ажратиб берган бўлса, Навбаҳор тумани ҳокими Ғ.Облоқулов укасига 18, қуёвига 200, жиянига 32 гектар ер иньом этиб юборган. Қизилтепа тумани ҳокими Ш.Набиев акасига оз эмас-кўп эмас 106 гектар ер ажратиб берган. Шаҳрихон тумани ҳокими А.Раҳмонов, Жиззах тумани ҳокими П.Шукуров, Яккабоғ тумани ҳокими З.Рўзиев, Пахтачи тумани ҳокими О.Аллаёров, Боёвут тумани ҳокими Э.Дадабоев, Олтиариқ тумани ҳокими Н.Омонов, Питнак шаҳрининг собиқ ҳокими И.Қурязов каби мансабдор шахслар ҳам ўғли, қизи, турмуш ўртоғи, ошна-оғайнисига ер ажратиб, талон-торожга йўл қўйганлар.

Амалдорлар, аксарият ҳокимлар ер сотишдек «ҳунар»ни яхши ўзлаштириб олганига ҳам мисоллар кўп. Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг айрим туманлари ҳокимлари ҳамда бошқа мансабдор шахслари томонидан ер майдонлари пора эвазига сотилиши ҳолатлари юзасидан жами 16 та жиноят иши қўзғатилган.

Эътибор беринг – мансабдор ўзига тегишли бўлмаган, одамлар ҳаётини яхшилаш воситаси сифатида вақтинча, омонат тариқасида ихтиёрига берилган мулкни – нечанеча келажак авлодлар ризқини ҳаром луқмага алишмоқда. Буни нима деб аташ мумкин? Очкўзликми? Омонатга – хиёнатми? Келгуси авлодлар ҳаққига чанг солишми? Афсуски, барчаси мужассам...

Ўйланиб қоласан киши. Жойларда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга эҳтиёжманд кишиларга 2 миллион 875 минг сўмлик меҳр-мурувват ёрдами кўрсатилди.

Оҳангарон туманининг олис, чекка қишлоқларида ҳам бу йилги ҳашар оммавий тус олди. Умумхалқ ҳашарида 51 минг киши иштирок этди. Улар катта ҳажмдаги ободонлаштириш, тозалаш-орасталаш ишларини адо этишди. Шу куни ҳашар йўли билан 12 та кўп қаватли уй таъмирланиб, рисолага келтирилди.

Вилоятимиз бўйича умумхалқ ҳашарида 1 миллион 110 минг 700 киши иштирок этиб, катта байрамолди тайёргарлик ишларини амалга оширди. Қишлоқ ва шаҳарлар маиший ва қурилиш чиқиндиларидан тозаланиб, 6 минг 889 тонна юк тегишли жойларга ташиб қўйилди. Ёки бошқа бир мисолни олиб кўрайлик: умумхалқ ҳашари куни вилоят бўйича 762 кишининг уй-жойи таъмирлаб берилди. 10 миллион 802 минг сўм миқдорида моддий ёрдам олган камхарж хонадонлар, якка-ёлғиз кишиларнинг шу кунги қувончлари чексиз бўлди. Умумхалқ ҳашари куни, қутлуғ байрам арафасида кишилар кўнглини олишнинг аҳамияти беқиёс. Халқимизнинг бу фазилатлари тобора кенг қўлам ва янги-янги кўринишларда намоён бўлиб бормоқда. Мустақиллик, азалий қадриятларимизнинг тикланаётганлиги бу жараёнда асосий омил бўлаётир. Ўзбекистон турли миллат фарзандларининг ягона хонадонига айланиб бормоқда. Унинг файзи, таровати, қутбаракаси ортиб, дилларга қувонч бағишламоқда. Халқимиз ўз қутлуғ ва муборак миллий байрамини нишонлашга ана шу руҳ билан бормоқда.

Жўрабек МУРОДОВ, Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: *(юқорида) Бўка туманидаги машина-трактор парки таъмирчи усталари ва (пастда) ангренликлар умумхалқ ҳашарида.*

Даврон АҲМАД, Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

замирида қандай қинғир ниятлар ётганлиги очиқ-ошкора айтилди.

Ислом Каримов уқтирганидек, биз ўзимизнинг буюк мақсад-муддаоларимизга етмоқчи эканмиз, бу нуқсонларни, аввало, ўзимиз аниқлаб, уларни бартараф этишимиз керак. Бундай ҳолатларни бекитиш, сир тутишга уриниш кимнидир эмас, аввало, ўзимизни алдаш демакдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда ерда меҳнат қилиб оиламни боқаман, ўз ишимни очиб, эл-юртга ҳам фойда келтираман, деган ният билан юрган айрим фермер ва тадбиркорлар турли идоралар эшигида сарсон бўлаётгани ҳолда, баъзи раҳбарлар ер ресурсларини мақсадга зид равишда ишлатиш ва талон-торож қилиш ҳолларини кўриб-кўрмасликка олаётгани, баъзан эса бундай бемазагарчиликларнинг бошида ўзлари тургани билан боғлиқ ҳолатлар тез-тез учрамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда пахта ва ғалла етиштириладиган майдонлар мониторинги ўтказилганда 24 минг гектардан зиёдроқ ердан мақсадсиз фойдаланилганлиги, шундан 5,4 минг гектар экин майдонлари ҳисоботдан яширилганлиги, 591 гектар ер ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани ҳолатлари аниқланган.

Энг ачинарлиси, ер ажратиш масалалари борасида масъул шахсларнинг ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилиши, қариндош-уруғчилик ва ошна-оғайнигарчилик муносабатларидан фойдаланиши каби салбий ҳолатлар кўп учраяпти. Текшириш натижаларига қараганда, мамлакат бўйича 125 нафар мансабдор шахс, жумладан, 44 нафар ҳоким ва уларнинг ўринбосарлари шундай номақбул ишлар билан шуғулланган экан.

Давлатимиз раҳбари куйиб-ёниб гапирганидек, агар ҳоким қинғир ва ҳаром ишларга қўл урса, бошқалардан нима кутиш мумкин?

Республика Бош прокуратураси қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси Эргаш Менглиев «Халқ сўзи» газетасининг шу йил 10 август сонида эълон қилинган «Ер табаррук неъматдир» номли мақоласида жойларда ернинг талон-торож қилинишига, одамларнинг кўз ўнгида қонунлар бузилишига, ошна-оғайнигарчиликка, таниш-билишчиликка йўл қўйилишида кўпинча ҳокимлар сабабчи бўлаётганини исбот этадиган кўплаб далил ва рақамлар келтирган.

Биз баён этаётган фикр-мулоҳазаларимизни асослаш мақсадида ана шу фактлардан айримларинигина эслатиб ўтишни лозим топдик. Жумладан, ер ажратишда ва бошқа моддий бойликларни талон-торож қилиш айнан кимлар томонидан ва қанча миқдорда содир этилгани, бундай ғайриқонуний ҳаракатларнинг Чуст тумани ҳокими Т.Рўзибоев, Бағдод тумани ҳокими Ш.Солижонов ва Урганч тумани ҳокими Р.Зоирхонов жиноий жавобгарликка тортилган. Пскент тумани ҳокими А.Ғофуров эса ўзининг биринчи ўринбосари – ер бериш комиссияси раиси Б.Дўсбеков билан келишиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида турли жиноятлар содир этган. Хусусан, у собиқ синфдоши – тегишли хўжаликка аъзо ҳам бўлмаган Ў.Эшонқуловга ҳамда таниши М.Мирсаидовага 10-25 гектардан ер ҳадя этиб, қонунни бузиш ҳисобига «ҳотамтойлик» қилганига нима дейсиз?

Шунингдек, Ромитан тумани ҳокими А.Нозимов синглисига 40,9, ўғлига 81 ва укасига 14,6 гектар ер ажратиб берган бўлса, Навбаҳор тумани ҳокими Ғ.Облоқулов укасига 18, қуёвига 200, жиянига 32 гектар ер иньом этиб юборган. Қизилтепа тумани ҳокими Ш.Набиев акасига оз эмас-кўп эмас 106 гектар ер ажратиб берган. Шаҳрихон тумани ҳокими А.Раҳмонов, Жиззах тумани ҳокими П.Шукуров, Яккабоғ тумани ҳокими З.Рўзиев, Пахтачи тумани ҳокими О.Аллаёров, Боёвут тумани ҳокими Э.Дадабоев, Олтиариқ тумани ҳокими Н.Омонов, Питнак шаҳрининг собиқ ҳокими И.Қурязов каби мансабдор шахслар ҳам ўғли, қизи, турмуш ўртоғи, ошна-оғайнисига ер ажратиб, талон-торожга йўл қўйганлар.

Амалдорлар, аксарият ҳокимлар ер сотишдек «ҳунар»ни яхши ўзлаштириб олганига ҳам мисоллар кўп. Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг айрим туманлари ҳокимлари ҳамда бошқа мансабдор шахслари томонидан ер майдонлари пора эвазига сотилиши ҳолатлари юзасидан жами 16 та жиноят иши қўзғатилган.

Эътибор беринг – мансабдор ўзига тегишли бўлмаган, одамлар ҳаётини яхшилаш воситаси сифатида вақтинча, омонат тариқасида ихтиёрига берилган мулкни – нечанеча келажак авлодлар ризқини ҳаром луқмага алишмоқда. Буни нима деб аташ мумкин? Очкўзликми? Омонатга – хиёнатми? Келгуси авлодлар ҳаққига чанг солишми? Афсуски, барчаси мужассам...

Ўйланиб қоласан киши. Жойларда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга да пахта монополияси бу қадар юқори даражага кўтарилмаган. Бу ҳол ернинг кучсизланишига, тупроқ унумдорлиги пасайишига ва бошқа салбий оқибатларга олиб келганди. Республикамизда минерал ўғитлар, гербицидлар ва пестицидларнинг қўлланиши энг юқори нормалардан ҳам ўнлаб баравар ортиқ эди. Ер ўйловсиз равишда оммавий суратда ўзлаштирилгани етмагандай, ана шу янги майдонлардан фойдаланишда зарур технологияларга риоя қилинмасди. Ҳамма жойда пахта назоратсиз суғориларди. Оқибатда тупроқнинг нами кўпайиб кетган, бу эса унинг қайта шўрланишига олиб келганди.

Ўшанда бундай салбий ҳолатлар юзага келишида собиқ Марказни айбдор қилгандик. Ўша ёқдан тайинланган ва келган раҳбарлар тупроғимиз шарт-шароитини, сувимиз қаёқдан-қаёққа оқишини, ёғин-сочину иссиқ-совуқ мавсумларимиз даврийлигини, умуман, муҳитимизни мутлақо билмайди, дердик. Эл-юртимиз равнақи учун жон қуйдирмайдиган, аксинча, билиб-билмай миллий манфаатларимизга зиён етказадиган ер-сувимизнинг бегона соҳиблари вақти-соати келганда топганини йиғиштириб, ўз юртига – тайин иш ва тайин турар-жойига кетиб қолади, деб ёзғирардик.

Энди-чи? Бугун бундай мулоҳазаларга, ёзғиришларга ўрин борми?

Мана, ўн-ўн уч йилдирки, элимиз орасидан чиққан, шу заминда туғилиб, халқимиз кўз ўнгида ўсиб-улғайган, давлатимиз маблағлари ҳисобига замонавий билим юртларида таълим-тарбия олган, керак бўлса, хориж тажрибасини ўрганиб келган ўз миллий кадрларимиз жойларда амал курсиларини эгаллаётир. Уларнинг зиммасига бор куч-куввати ва ақл-заковатини сафарбар этиб, ўзлари тайинланган ҳудудда вазиятни чуқур ўрганиш, мавжуд муаммолар билан яқиндан танишиш, уларнинг ечимини топишда, аввало, халқимиз, жамоатчилигимиз билан бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилишдек юксак ишонч ва масъулиятли вазифа юкланган.

Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам зиммасидаги вазифа ва масъулиятни ҳалол, виждонан, жон қуйдириб адо этаяптими? Афсуски, бу саволга астойдил, дилдан ижобий жавоб бериш қийин. Акс ҳолда юқорида келтирилган қонунлар ижросини таъминлашга масъул шахслар томонидан содир этилаётган бундай қонунбузарликлар наинки эл-юрт манфаатларига моддий зиён етказяпти, айни пайтда Юртбошимизнинг хайрли ва истиқболли ташаббуси – фермерлик ҳаракатининг тараққиётига тўсиқ бўлмаяптими? Амалдорларнинг бу тахлит ҳаракатлари алал-оқибат қишлоқ хўжалиги соҳасида юритилаётган давлат сиёсатига нисбатан ҳурмат ва ишончни сусайтириб юбормаяптими?

Шу ўринда яқин тарихимиз – ўтган асрнинг 90-йилларини бир эслайлик. Бу даврга келиб республикамизда пахта деярли 75 фоиз майдонни эгаллаганди. Мутахассисларнинг фикрича, дунёнинг биронта мамлакатида пахта толасини етиштириш ва ер ажратиш борасида ана шу даражадаги ер ресурслари ва ер ости сувлари ҳисобига ҳеч қачон унутмаслиги керак: раҳбарга лавозимни, обрўни шу эл-юрт беради, лекин лавозимни унинг ўзи йўқотади. Бу оддий, шу билан бирга, ҳар бир раҳбар учун олий ҳақиқатдир.

Аввалбошдаги ривоятимизнинг мазмун-моҳиятига қайтсак, қайсидир ўзбошимчалар томонидан сотилган, тарқатилган, ҳадя этилган, исталганча талон-торож қилинган, қайсидир боқибеғамларнинг айби билан кўчсизланиб ва шўрланиб бораётган ана шу ер – аслида жонажон Ватанимизнинг азиз парчасидир. Демак, у фақат сизнинг ё бизнинггина мулкимиз эмас. Туғилажак набираларимизнинг ҳам шу муқаддас тупроқда ҳақлари бор.

Демак, уни топташга, талон-торож қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Ғулом МИРЗО, ЎзА шарҳловчиси.

Марказий Осиё болалари – Бўстонликда

Бўстонлик туманидаги «Чотқол» болалар оромгоҳида Марказий Осиё болаларининг анъанавий ёзги ўқув лагери очилди.

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси тадбирлари режасига мувофиқ ташкил этилган «Ёшлар ва жамиятнинг барқарор тараққиёти» мавзуида ўтказилаётган халқаро лагерь ўқув машғулотларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, Марказий Осиё давлатларидан келган 170 ўқувчи иштирок этмоқда.

Лагерда «Барқарор тараққиёт ва келажак авлод» ва «ЮНЕСКО Бирлашган мактаблар тармоғи» деб номланган дастлабки ўқув машғулотлари якунланди. Ўн икки кунга мўлжалланган лагерь дастуридан «Жамият ислоҳотлари ва анъанавийлик», «ОИТС ва гиёҳвандликнинг олдини олиш», «Болалар ҳуқуқлари», «Демократия ва инсон ҳуқуқлари», «Жаҳон мероси ёшлар қўлида», «Атроф-муҳит ва ёшлар» каби мавзуларда қизиқарли ўқув машғулотлари, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, мусиқий дастурлар кенг ўрин олган.

ЎзА.

Кончиларнинг облигациялари

Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акционерлик жамияти («ОКМК» ОАЖ) корпоратив облигацияларининг қиймати 3 миллиард сўмга тенг ва айланиш муддати 2 йил бўлган иккинчи эмиссиясини рўйхатга олди.

Облигациялар бўйича даромад купоннинг ўзгарувчан фоиз ставкасига асосланади ва ҳар чоракда тўлаб борилади. Облигациялар эмитентнинг банк ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари гарови билан таъминланган. Ў ўз ҳажмига кўра Ўзбекистон корпоратив облигациялари бозори тарихида энг йирик ҳисобланади. Мазкур эмиссиянинг эксклюзив андеррайтери ва тўлов агенти Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидир.

ОКМК облигациялари ликвидлигини таъминлаш учун мазкур эмиссияда оферта қўлланган. У эмитент томонидан оммавий ахборот воситаларида чоп этилади ва инвесторларга облигацияларни номинал қийматда сотувчига сотиш ҳуқуқини беради. Шунингдек, андеррайтер ҳар қандай вақтда иккиламчи бозорда облигацияларни инвестордан сотиб олишга тайёр, бунда корпоратив облигациялар бозоридаги аҳвол ва эмитентнинг ҳолати ҳисобга олинади.

2004-2006 йилларда комбинатнинг асосий стратегияси ишлаб чиқариш қувватлари ва маҳсулот экспорти ҳажмини оширишдир. Мазкур дастурни амалга ошириш мақсадида комбинат раҳбарияти моддий-техника базасини яхшилаш бўйича фаол ишлар олиб бормоқда. Шу муносабат билан облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағларни корхонанинг асосий фондларини янгилашга ҳам йўналтириш режалаштирилмоқда.

В. НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.

2004 йил 2, 4, 6 август кунлари ўтказилган биржа савдосида Қибрай тумани ва Бекобод шаҳри ҳудудида жойлашган 12 та нодавлат қурилиши тугалланмаган кўчмас мулк объектлари жами 3.950.000 сўмга сотилди. Чирчиқ шаҳри ва Қибрай, Қуйичирчиқ, Бўка, Паркент, Тошкент, Оҳангарон, Зангиота туманлари ҳудудида жойлашган 14 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 31.365.000 сўмга сотилди.

2004 йил 9, 11, 13 август кунлари ўтказилган биржа савдосида Қибрай ва Зангиота туманлари ҳудудида жойлашган 18 та нодавлат қурилиши тугалланмаган кўчмас мулк объектлари жами 7.510.000 сўмга сотилди. Тошкент шаҳри ва Қибрай, Бўка, Тошкент туманлари ҳудудида жойлашган 8 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 30.546.300 сўмга сотилди.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

"RESPUBLIKA KO`CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI BO`LIMI" MCHJ

Сизларни 2004 йил 21, 28 сентябрь ва 5, 12, 19, 26 октябрь кунлари соат 12.00да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Тошкент вилояти прокуратурасига қарашли, ВАЗ-21063 русумли, давлат рақамисиз, кузови 2700546 рақамли, двигатели 5458645 рақамли, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 410 200 сўм.

2. Тошкент вилояти прокуратурасига қарашли, «Доган» русумли, давлат рақамисиз, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, кузови 00954598 рақамли, двигатели 6191686 рақамли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 499 900 сўм.

3. Тошкент вилояти прокуратурасига қарашли, «Фиат-темпра» русумли, давлат рақами 10 AV 877 бўлган, кузови 07361387 рақамли, двигатели 386352 рақамли 1993 йилда ишлаб чиқарилган, автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 1 390 400 сўм.

Ушбу автотранспорт воситалари савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизли закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари олдинги аукцион савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари, автотранспорт воситалари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ Давлат ордерини олиш учун давлат божи ва баҳолаш хизмат ҳақи алоҳида баҳоловчи ташкилотнинг ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18,
Факс: 133-43-73.

Масъулиятли палла

Айни дамлар пахтакорлар учун ўта масъулиятлидир. Мўл ва сифатли ҳосилни кўзлаб меҳнат қилаётган деҳқон борки, ўтаётган ҳар кунни ғанимат билиб, юксак хирмон учун замин ҳозирлайди.

Қуйичирчиқ туманидаги Улуғбек номли ширкат хўжалиги деҳқонлари ана шундай юксак масъулиятни чуқур ҳис этиб, меҳнат қилмоқдалар. Хўжалик ўтган йили пахтадан 318 миллион сўмга яқин даромад кўрган. Бу йил тармоқдан келадиган фойда янада салмоқли бўлиши кутилмоқда.

Хўжалик 610 гектар ерга маҳаллий шароитга мос келадиган, турли касалликларга чидамли С-65-24 пахта навини эккан. Айни дамда пахтачиликда ўзига хос тажрибага эга бўлган Зокир Урушбоев, Ҳидир Амиров, Яхшибой Иброҳимов каби пудратчилар парваришидаги ғўзалар ривожи кўзни қувонтиради. Уста деҳқонларнинг айтишича, ғўзалар ривожи ҳар йилгидан 20-25 кун олдинда. Шунга кўра ҳосилдорлик 35-40 центнерга етиши кўзланмоқда.

— Зиммамизда 1620 тонналик хирмон уйиш вазифаси турибди, — дейди ширкат хўжалиги бош ҳисоботи Аширмат Ҳолиқов. — Шу боис барча агротехник тадбирларни вақтида ва маромида бажаришга ҳаракат қилдик. Экин қатор ораларида етти мартадан ишлов ўтказилди, ҳар гектар ерга 400-450 килограммдан минерал, 10 тоннадан шарбат усулида маҳаллий ўғит бердик. Ҳозир охирги суғоришни бошлаб юборганмиз.

Олиб борилган агротехник тадбирлар натижаси чакки эмас. Ҳар туп ғўзада 8-10 тадан бўлиқ кўсак бор. Чилпиш ишлари якунланган. Деҳқонлар мўлжалича сентябрь ойининг ўрталарига борар-бормас, ҳосил тўла етилади.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: пудратчи Ёқуб Туленов ғўза тупидаги бўлиқ кўсакларни кўздан кечирмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Ватанимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» республика танлови якунланди. Пойтахтимиздаги Халқлар Дўстлиги саройида мазкур танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган гала-концерт бўлиб ўтди.

Қўшиқ байрами якунланди

Унда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказиб келинаётган мазкур танлов юртдошларимиз, айниқса ёшлар қалбида она-Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, фидойилик, истиқлолни асраб-авайлаш каби эзгу ғояларни сингдиришдек хайрли мақсадларга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Яхши анъанага айланган ушбу танловда юртимизнинг каттаю кичик бадиий жамоалари, ҳаваскорлик гуруҳлари, хонандаю созандалар билан бирга ёш истеъдодлар ҳам фаол қатнашмоқда. Кўрик-танлов ёш иқтидор соҳибларини катта саҳнага олиб чиқиш, маҳоратини намоён қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, Маданият ишлари, Ички ишлар, Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликларидан дастлабки босқичларда ғолиб чиққан иштирокчи ва жамоалар ўз санъатини намойиш этди.

Кўрик-танловда биринчи ўрин берилмади. Самарқандлик Умида Ёрмуҳамедова ижросидаги Жамила Наимова мусиқаси, Камол Раҳимов шеъри билан айтилган «Ватаним» қўшиғи (Маданият ишлари вазирлиги), Тошкент Давлат педагогика университети бадиий мусиқий жамоаси ижросидаги Анор Назаров мусиқаси, Анвар Обиджон шеъри билан айтилувчи «Гулгун Ватан» қўшиғи (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги), пойтахтимиздаги Акмал Икромов туман маданият уйининг «Ҳумо» ашула ва рақс дастаси ижросидаги Юнус Ражабий мусиқаси, Нуриддин Аминжон шеъри билан айтилувчи «Ёшлик ёрёри» қўшиғи иккинчи ўринга лойиқ топилди.

Навоийлик Шерзод Давронов ижросидаги Дони Илёсов мусиқаси, Сирожиддин Саййид шеъри билан айтилувчи «Эгаси бор бу юртнинг» қўшиғи, республика ўқувчилар саройининг «Камалак» гуруҳи ижросидаги Зокир Отабоев мусиқаси, Нормурод Нарзуллаев шеъри билан айтилувчи «Мен ғунчаман» қўшиғи (Халқ таълими вазирлиги), Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси Шуҳрат Дадажонов ижросидаги Ш.Дадажонов мусиқаси, Анвар Обиджон шеъри билан айтилувчи «Халқим» қўшиғига учинчи ўрин берилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Шифо масканлари хизматда

Юқоричирчиқ тумани ҳудудида бир йўла учта қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

Улардан бири Яссавий номли ширкат хўжалиги ҳомийлигида Жалолтепа қишлоғида бунёд этилди. Ушбу шифо маскани бир вақтда 50 кишига хизмат кўрсатиш қувватига эга. Оқовул ҳамда Жумабозор қишлоқларидаги иккита янги врачлик пункти «Гулистон» ширкат хўжалиги шафелигида қад ростлади.

Хуршида МЎМИНОВА.

Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти бўйича ёнилғи учун чакана нархлар (энг юқори)

2004 йил 1 августдан жорий этилди.

Умумий кўрсатмалар.

1. Ушбу прейскурант тарифлари Тошкент вилоятида яшовчи аҳолига етказиб берилаётган табиий газга тааллуқлидир.

2. Аҳоли томонидан уй ва хоналарни иситишда фойдаланилган табиий газ ҳақи, қандай иситиш асбоби ўрнатилганидан қатъи назар, беш ойлик иситиш мавсуми учун ойма-ой қилиб белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан иситиш мавсуми беш ойдан кам ёки ортиқ муддатга белгиланган бўлса, газдан фойдаланувчилар билан шунга мувофиқ ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

3. Истеъмолчилар (абонентлар)да иккита ва ундан ортиқ газ плитаси ёки сув иситадиган мосламалар бўлса, бу асбоблар учун газ сарфлаш меъёри икки баравар ва ундан ҳам оширилади.

4. Уй (хона)ларга газ ҳисоблагичлар ўрнатилган бўлса, ёқилган газ учун аҳоли билан газ ҳисоблагичдаги ва ушбу прейскурантда кўрсатилган тариф бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

5. Фойдаланилган газ ҳақини аниқлашда уйда яшовчиларнинг ҳар бири, шу жумладан, вақтинча яшовчилар ҳам ҳисобга олинади.

6. Иситиладиган бино деганда қуйидаги барча фойдали майдонлар тушунилади: иситиш асбоблари қаерда жойлашганидан қатъи назар, яшаш хоналари, ваннахона, ошхона, ички йўлак, бундан ташқари иситиш асбобларига эга бўлган бошқа хоналар (пешайвон, терасса, ойнаванд болхоналар) майдони.

7. Прейскурантнинг 2-банди тарифлари аҳолига бериладиган табиий газни сарфлашнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99- ҳамда 2003 йил 2 октябридаги 421-қарорлари билан тасдиқланган меъёри ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Иситиладиган хона меъёри бир киши учун 43 куб метр ҳажмида белгиланган.

Хонани белгиланган меъёрда 1 киши/43 куб метр иситишга сарфланадиган газ учун эса, бир ярим баравар миқдорида ҳақ тўланади.

8. Иссиқхона ва гулхоналарни муваққат сув иситгич ва қозонлар ёрдамида иситиш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар томонидан тандир, овқат пишириш мақсадларида фойдаланилган табиий газ учун тўловлар улгуржи истеъмолчилар учун белгиланган тариф бўйича олинади. Агар газ ўлчагичлар ўрнатилмаган бўлса, қанча газ сарфланганлиги газ ёнадиган қурилманинг кечаю кундуз ишлагандаги тўла қуввати ва иситиш даври учун белгиланган шартнома бўйича аниқланади.

9. Ушбу прейскурантнинг «Умумий кўрсаткичлар»и, агар қўшимча прейскурантларда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, кейинги барча қўшимча прейскурантларга тааллуқли бўлади.

10. Ушбу чакана нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент вилояти учун илгари тасдиқлаган нархлари (2004 йил 31 мартдаги реестр № 13-03-02) ўрнига 2004 йил 1 августдан жорий этилди.

1. Аҳоли учун табиий газдан фойдаланиш тарифлари.

Т/р	Номи	Андоза ёки ТУ	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун тариф (сўм)
1.1	Газ ўлчагичи бор аҳолига бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10м³	82,83
1.2	Газ ўлчагичи йўқ аҳолига бериладиган газ:			
	овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти		10 м³	143,06
	иситиш		10 м³	66,26

2. Коммунал-маиший эҳтиёжлар учун табиий газдан газ ўлчагичларсиз фойдаланиш тарифлари (ГОСТ 5542-87)

Т/р	Истеъмолчи тавсифи	Ўлчов бирлиги	Тариф тўлови (сўм) Йиллик х).	Ойлик
2.1	Марказий (хусусий) иссиқ сув таъминотига уланган уйлардаги овқат пиширишда фойдаланилган маиший газ плитаси	1 яшовчидан 11 м³	1888,80	157,40
2.2	Марказий иссиқ сув таъминотига уланмаган, сувни газда иситадиган қурилма ўрнатилмаган уйлардаги овқат пиширишда фойдаланилган маиший газ плитаси	1 яшовчидан 15,0 м³	2575,20	214,60
2.3	Марказий иссиқ сув таъминотига уланмаган ёки вақтивақти билан ишлайдиган иссиқ сув таъминоти бор уйлардаги газда сув иситгич	1 яшовчидан 16 м³	2746,80	228,90
2.4	Уй ва хоналарни, газ иситгич асбобининг туридан қатъи назар, иситиш мавсумида беш ой давомида якка тартибда иситишда фойдаланилган газ учун	Иситилаётган хонанинг 1 м³ учун Хонанинг 1 м³ учун 5,76м³	190,85	38,17
2.5	Чорва учун дағал ва илдизмевали озуқани буғлаб тайёрлаш, шунингдек, молга бериш ва санитария мақсадларида сув иситиш	1 бош учун: от 5,6 м³	960,00	80,00
		сигир 23,7 м³	4068,00	339,00
		чўчқа 12,5 м³	2145,96	178,83
		қўй (эчки) 2,2 м³	378,00	31,50

х) Иситиш учун тўловлар иситиш мавсумининг беш ойи давомида тўланади.

«YA. DEM. TEKSTIL» очиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонаси акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 1/2004-баённомаси

Тошкент шаҳри — 29 июнь 2004 йил

Чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар сони:	9000 дона оддий, эгаси ёзилган, нақдсиз кўринишдаги акциялар;
Жойлаштирилган акцияларга эгалик қилувчи акциядорлар сони:	4 юридик шахс;
Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашаётган акциядорлар сони:	4 юридик шахс (100%)

ҚАТНАШДИЛАР:

1. Ахмет Чобан	«ДЕМИР» очиқ акциядорлик жамияти чел эл корхонаси бош директорининг биринчи муовини;	1355 дона акция ёки устав жамғармасининг 15,05%
2. Олжай Каналыкая	«DEMIR METAL GIDA INSAAT TEKSTIL SANAYI DIS. TICARET A.S.» компанияси вакили (Ишончнома билан);	2281 дона акция ёки устав жамғармасининг 25,34%
3. Яшар Демир	«Demir Tekstil Sanayi ve Ticaret A.Y.D.» компанияси Президенти;	4370 дона акция ёки устав жамғармасининг 48,55%
4. Ташимов П.Т.	«Йўлқурилишмашиналартаъмирлаш» ОАЖ бошқаруви раиси;	994 дона акция ёки устав жамғармасининг 11,04%

ТАКЛИФ ЭТИЛГАНЛАР:

Режеп Ширин	«YA.DEM.TEKSTIL» қўшма корхонаси бош директори
Эйдина Е.В.	Корхонанинг бош муҳосиби

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият раҳбарининг жамиятнинг 2003 йилги молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи.
2. Жамият аудитори хулосасини тасдиқлаш.
3. Бухгалтерлик балансини тасдиқлаш.
4. Жамият фойда ва зарарини тақсимлаш.
5. Жамият ижроия органи раҳбари номзодини тасдиқлаш.
6. Жамият Кузатув Кенгаши таркибини сайлаш.
7. Жамият Тафтиш комиссияси таркибини сайлаш.
8. Жамиятнинг 2004 йил учун аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва уни рағбатлантириш ҳажмини белгилаш.
9. Жамиятнинг 2004 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.

Акциядорларнинг умумий мажлисини Кузатув кенгаши аъзоси Ахмет Чобан очди ва умумий йиғилишда 4 акциядор (ёки акциядор вакили) 9000 дона овоз берувчи акция билан қатнашаётганлигини ҳамда бу умумий овоз берувчи акцияларнинг 100 фоизини ташкил этиши, бу эса умумий йиғилишни очиш учун кворум йиғилганлигидан далолат беришини айтди.

Ахмет Чобан йиғилиш ўтказиш учун унинг президиумини сайлаш, мажлис раиси ва котибини белгилаш ҳақида гапириб, президиум аъзолари таркибига жамият акциядорлари Яшар Демир, Ахмет Чобан ва П. Ташимовни сайлаш таклифини киритди.

Умумий йиғилиш президиуми аъзолари таркиби Яшар Демир (йиғилиш раиси), Ахмет Чобан (йиғилиш котиби), П. Ташимов таркибида бир овоздан сайланди.

Шунингдек, Яшар Демир сўзга чиқиб, кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича асосий маърузалар 10 дақиқадан, қўшимча маърузалар 5 дақиқадан ошмаслиги, йиғилиш қатнашчиларининг сони 4 кишидан иборатлиги ҳамда кун тартибидаги масалалар орасида кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш масалалари киритилганлиги боис, ушбу масалаларга кумулятив овоз бериш, қолган масалаларга очиқ овоз бериш таклифини киритди. Саноқ комиссияси вазифаларини йиғилиш раиси ва котиби зиммасига юклаш таклифи ҳам киритилди.

Умумий йиғилиш кун тартиби йиғилиш раиси томонидан ўқиб эшиттирилди ва уни тасдиқлаш таклиф этилди.

Юқорида кўрсатилган масалалар биргаликда овозга қўйилиб, бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш кун тартибига қўйилган масалалар бўйича сўзга чиқдилар:

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан корхона бош директори Режеп Ширин сўзга чиқиб, корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг 2003 йил учун тайёрланган ҳисоботи билан мажлис иштирокчиларини таништирди.

Қилинган муҳокамалардан сўнг, корхона бош директорининг корхонанинг 2003 йил молиявий-хўжалик фаолияти борасидаги ҳисоботини тасдиқлаш таклифи киритилди.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан корхона аудитори, «GARANT AUDIT» аудиторлик фирмаси раҳбари Н. Исраилова сўзга чиқиб, жамиятнинг 2003 йил молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан тайёрланган аудиторлик хулосаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Қилинган муҳокамалардан сўнг, жамиятнинг 2003 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан тайёрланган жамият аудиторининг хулосасини тасдиқлаш таклифи киритилди.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан корхона бош муҳосиби сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларини корхона бухгалтерлик баланси ва ундаги кўрсаткичлар билан бирма-бир таништирди.

Қилинган муҳокамалардан сўнг корхонанинг 2003 йил молиявий-хўжалик фаолияти борасидаги бухгалтерлик балансини тасдиқлаш таклифи киритилди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан жамият раҳбари Режеп Ширин сўзга чиқиб, жамият 2003 йилги фаолияти давомида асосан қурилиш-монтаж ва корхонага ускуналар олиб келиш, ўрнатиш, ишга тушириш ишлари билан шуғулланганлиги боис, йил якунларига кўра жамият 226361,0 минг сўм зарар кўрганлигини айтди ва кўрилган зарарни корхонанинг 2004 йилги фаолияти натижалари ҳисобидан қоплаш таклифини киритди.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан Яшар Демир сўзга чиқиб, корхона бош директори Режеп Ширин ўз лавозимидан озод этишни сўраб ариза билан мурожаат қилганлигини инобатга олган ҳолда, Режеп Ширин билан шартномасини бекор қилишни ва корхона бош директорлиги лавозимига Туркия Республикаси фуқароси Женгиз Гозукара номзодини тасдиқлаш таклифини киритди.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан Кузатув кенгаши аъзоси Ахмет Чобан сўзга чиқиб, жамият Кузатув кенгашининг 2004 йил 28 майдаги мажлиси қарорига асосан тавсия этилган Кузатув кенгаши таркиби номзодларига овоз беришни сўради ва бунда кумулятив овоз бериш лозимлигини уқтирди.

Шунингдек, мажлис қатнашчилари кумулятив овоз бериш тартиби билан қисқа тарзда тушунтириб ўтилди.

Овоз бериш бюллетенларни тўлдириш йўли билан ўтказилди.

Тарқатилган бюллетенлар сони – 4 дона, овоз беришдан сўнг йиғиб олинган бюллетенлар сони – 4 дона, бузиб қўйилган ва ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар йўқ. Овоз бериш натижалари қуйидагича:

a) Андан Демир	9000 дона овоз
b) Хади Узун	9000 дона овоз
c) Ахмет Яшар Демир	9000 дона овоз
d) Олжай Каналыкая	9000 дона овоз
e) Режеп Ширин	9000 дона овоз

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан Яшар Демир сўзга чиқиб, жамият Кузатув кенгашининг 2004 йил 28 майдаги мажлиси қарорига асосан тавсия этилган Тафтиш комиссияси таркиби номзодларига овоз беришни сўради ва бунда кумулятив овоз бериш лозимлигини уқтирди.

Овоз бериш бюллетенларни тўлдириш йўли билан ўтказилди.

Тарқатилган бюллетенлар сони – 4 дона, овоз беришдан сўнг йиғиб олинган бюллетенлар сони – 4 дона, бузиб қўйилган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар йўқ. Берилган овозлар натижаси қуйидагича:

I. Туран Эргун	9000 дона овоз
II. Ахмет Чобан	9000 дона овоз
III. Мехмет Гокташ	9000 дона овоз

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан Ахмет Чобан сўзга чиқиб, корхонанинг 2004 йилга аудитор ташкилоти этиб «GARANT AUDIT» аудиторлик фирмасини тасдиқлаш таклифини киритди. (Лицензия 2001 йил 22 августда 00166-рақами билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган). Шунингдек, корхона аудиторини рағбатлантириш миқдорини аудитор билан шартнома тузиладиган вақтда жамият бош директори томонидан Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда белгилаш таклифини киритди.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан жамиятнинг бош директорлик лавозимига тасдиқланган Женгиз Гозукара сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларини ўзи тайёрлаган жамиятнинг 2004 йилда олиб борадиган молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги бизнес-режаси билан таништирди.

Қилинган муҳокамалардан сўнг, жамиятнинг 2004 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш таклифи киритилди.

Кун тартибига киритилган масалалар муҳокамаси ва киритилган таклифлар асосида умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛДИ:

1-масала бўйича:
Жамият директорининг 2003 йил учун ҳисоботи инобатга олинсин ва жамиятнинг фаолияти қониқарли деб баҳолансин.
Овоз бериш: «Тарафдорлар» – 100%; «Қаршилар» – йўқ. «Бетарафлар» – йўқ.

2-масала бўйича:
Жамият аудиторининг жамиятнинг 2003 йилги молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан тақдим этилган ҳисоботи тасдиқлансин.
Овоз бериш: «Тарафдорлар» – 100%; «Қаршилар» – йўқ. «Бетарафлар» – йўқ.

3-масала бўйича:
Жамиятнинг 2003 йилги бухгалтерлик баланси тасдиқлансин.
Овоз бериш: «Тарафдорлар» – 100%; «Қаршилар» – йўқ. «Бетарафлар» – йўқ.

4-масала бўйича:
Жамиятнинг 2003 йилда 226361,0 минг сўм зарар кўрганлиги ва ушбу зарар корхонанинг 2004 йилдаги ишлаб чиқариш фаолияти ҳисобидан қопланиши инобатга олинсин.
Овоз бериш: «Тарафдорлар» – 100%; «Қаршилар» – йўқ. «Бетарафлар» – йўқ.

5-масала бўйича:
Корхона бош директори Режеп Ширинниг ўз лавозимидан озод этишни сўраб ёзган аризаси қондирилсин ва у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинсин.
Жамиятнинг ижроия органи раҳбарлигига – бош директор лавозимига Туркия Республикаси фуқароси Женгиз Гозукара номзоди тасдиқлансин.
Овоз бериш: «Тарафдорлар» – 100%; «Қаршилар» – йўқ. «Бетарафлар» – йўқ.

6-масала бўйича:
Жамият Кузатув кенгаши қуйидаги таркибда тасдиқлансин:
a) Аднан Демир – «Demir Tekstil Sanayi ve Ticaret A.Y.D.» компанияси президенти ўринбосари;
b) Хади Узун – «Demir Tekstil Sanayi ve Ticaret A.Y.D.» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили;
c) Ахмет Яшар Демир – «DEMIR» ОАЖ бош директори;
d) Олжай Каналыкая – «DEMIR METAL GIDA INSAAT TEKSTIL SANAYI DIS. TICARET A.S.» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили;
e) Режеп Ширин – «DEMIR METAL GIDA INSAAT TEKSTIL SANAYI DIS. TICARET A.S.» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили;
Овоз бериш: «Тарафдорлар» – 100%; «Қаршилар» – йўқ. «Бетарафлар» – йўқ.

7-масала бўйича:
Жамият Тафтиш комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:
a) Туран Эргун – «DEMIR METAL GIDA INSAAT TEKSTIL SANAYI DIS. TICARET A.S.» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили;
b) Ахмет Чобан – «ДЕМИР» чет эл корхонаси очиқ акциядорлик жамияти бош директорининг биринчи ўринбосари;
c) Мехмет Гогташ – «DEMIR METAL GIDA INSAAT TEKSTIL SANAYI DIS. TICARET A.S.» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили;
Овоз бериш: «Тарафдорлар» – 100%; «Қаршилар» – йўқ. «Бетарафлар» – йўқ.

8-масала бўйича:
Жамиятнинг 2004 йил учун аудиторлигига «GARANT AUDIT» аудиторлик фирмаси тасдиқлансин.
Корхона аудиторини рағбатлантириш миқдорини белгилаш ваколати корхона бош директори зиммасига юклатилсин ва ўзаро шартномада белгиланиши инобатга олинсин.
Овоз бериш: «Тарафдорлар» – 100%; «Қаршилар» – йўқ. «Бетарафлар» – йўқ.

9-масала бўйича:
Жамият бош директорининг 2004 йил учун тайёрлаган бизнес-режаси тасдиқлансин.
Овоз бериш: «Тарафдорлар» – 100%; «Қаршилар» – йўқ. «Бетарафлар» – йўқ.

Йиғилиш раиси — **Яшар Демир**
Йиғилиш котиби — **Ахмет Чобан**

Ҳамкорликнинг янги қирралари

Ўзбекистонлик бир гуруҳ ўқитувчилар Буюк Британияда замонавий ахборот технологиялари курсида таҳсил олиб қайтди.

Жорий йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикасининг "Истеъдод" жамғармаси ва "Аспект" халқаро ташкилоти ўртасида Буюк Британия таълим марказларида ўзбекистонлик ўқитувчиларнинг малакасини оширишда ҳамкорлик қилишга оид келишувга эришилган эди. Орадан икки ой ўтгач, мамлакатимиз вилоятларидаги университетлар ўқитувчиларидан 16 нафари "Аспект" халқаро ташкилотининг Борнмус шаҳрида жойлашган ахборот технологиялари ўқув марказида таҳсил ола бошлашди.

Бу ерда мамлакатимиз вакиллари Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юртларида талабаларга таҳсил беришда кенг қўлланилаётган илғор компьютер технологиялари ва дастурлари билан танишдилар.

Ташкилот минтақавий менежери Саймон Гучнинг сўзларига қараганда, истиқболда "Аспект" ва "Истеъдод" ҳамкорлигида ҳар йили Буюк Британияда мамлакатимизнинг бир неча гуруҳ ўқитувчилари малакаси оширилади.

Аваз ҲОЖИМАТОВ,
«Жаҳон» АА,
Лондон.

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport

АФИНА. (ЎзА махсус мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ хабар қилади). XXVIII Олимпиада ўйинларида ўзбекистонлик боксчиларнинг чиқишлари катта шовшувга сабаб бўлмоқда. Бунгача Ўткирбек Ҳайдаров, Шерзод Абдураҳмонов ҳамда Шерзод Ҳусанов иккинчи босқичга йўлланма олган эди. Энди уларнинг сафига Ўзбекистон ва Осиё чемпиони Беҳзод Хидиров ҳам қўшилди.

Балли, боксчилар!

Покистонлик Аҳмад Сухайлга қарши рингга чиққан боксчимиз жангни муддатидан олдин ўз фойдасига ҳал қилди. Учрашув рефериси иккинчи раундда ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси 28-8 ҳисобида ғалаба қозонганини қайд қилиб, Беҳзоднинг қўлини баланд кўтарди.

АӨHNA 2004

Афсуски, дзюдо баҳсларида Рамзиддин Саидов рақибига имкониятни бой берди. Мамлакатимизнинг энг кучли дзюдочиларидан Абдулла Тангриев ҳамда Вячеслав Перетейко ҳали беллашувларни бошлагани йўқ.

Спортчиларимиздан бокс, эркин ва юнонрум кураши усталари номи олимпиада медали учун кураш олиб борадиган асосий фаворитлар қаторида зикр этилмоқда. Боксчиларимиз саралаш учрашувларида кетма-кет ғалаба қозонаётган бўлса, курашчиларимизнинг беллашувлари ҳали олдинда.



Анвар ИЛЬЯСОВ («Жаҳон» АА) олган сурат.

Қаҳрамонлар баҳси

Ўтган дам олиш куни вилоятимизнинг сўлим Бўстонлиқ туманидаги ўзбек адибларининг «Ёзувчи» дала-боғи бош қўрғони шахматчи ижодкорлар билан гавжум бўлди.

Бу ерда ижодкорлар ўртасида мустақиллик байрамига бағишланган анъанавий шахмат биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда уч Қаҳрамон адиб — Озод Шарафиддинов, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов ҳамда қарийб 70 нафардан зиёд шатранж ихлосманди бўлган ижодкорлар тахта устида «жанг» олиб боришди. Бу галги мусобақа ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновнинг жаҳоний ғалабасига ҳам аталган бўлиб, унда шахматчимизнинг онаси Меҳринисо опа бошлиқ хонадон аъзолари ҳам қатнашди. Жаҳон чемпионининг акаси Хуршид Қосимжонов мусобақа қатнашчиларига Рустам Қосимжонов номидан юборилган табрик телеграммасини ўқиб эшиттирди. Тахта узра муросасиз ўтган ушбу биринчилик ғолиблигига севимли шоиримиз Эркин Воҳидов сазовор бўлди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ,
СУРАТЛАРДА: ижодкорлар баҳсидан лавҳалар.
Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Иккинчи давра бошланди

Бир ой давом этган танаффусдан сўнг мамлакат ўн учинчи миллий чемпионатида иштирок этаётган олий табақа жамоалари иккинчи давра ўйинларини бошладилар.

Вилоятимизнинг олий лигадаги ягона вакили Бекободнинг «Металлург» жамоасида танаффус даврида катта ўзгаришлар юз берди. Бош мураббий Усмон Асқаралиев жамоани тарк этди. У билан бирга келган кўпгина ўйинчилар ҳам «Металлург»ни ташлаб кетдилар. Жамоани иккинчи давра ўйинларига маслаҳатчи мураббий Тўра Шоймардонов тайёрлади. У жамоага ўнга яқин ўйинчини жалб этди.

14 тур учрашувида «Металлург» «Нефтчи»га қарши Фарғонада майдонга тушди. Учрашувнинг ўнинчи дақиқасида «металлург»чилар ҳисобни очишга эришдилар. Бироқ, қизиқарли ўтган учрашув 3:2 ҳисобида «Нефтчи» ғалабаси билан якунланди.

Турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Навбаҳор» — «Насаф» — 6:0; «Пахтакор» — «Машъал» — 4:1; «Қизилқум» — «Трактор» — 1:1; «Самарқанд-Д» — «Бухоро» — 0:1 «Андижон» — «Сурхон» — 2:1; «Сўғдиёна» — «Локомотив» — 2:0.

15-тур учрашувлари 21 август шанба куни бўлиб ўтади. «Металлург» ўз майдонида мамлакат чемпиони «Пахтакор»ни қабул қилади.

Талъат ЮСУПОВ.

Олий лига жамоаларининг 14 турдан кейин жадвалда тутган ўринлари:

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Пахтакор»	14	13	1	0	46-6	40
«Нефтчи»	14	12	0	2	33-15	36
«Навбаҳор»	14	11	1	2	39-9	34
«Насаф»	14	10	1	3	28-14	31
«Локомотив»	14	5	4	5	17-11	19
«Трактор»	14	6	1	7	19-28	19
«Бухоро»	14	6	1	7	16-27	19
«Сурхон»	14	5	1	8	16-24	16
«Металлург»	14	4	2	8	15-28	14
«Қизилқум»	14	3	4	7	16-26	13
«Андижон»	14	4	1	9	15-30	13
«Сўғдиёна»	14	4	1	9	11-27	13
«Машъал»	14	3	2	9	17-25	11
«Самарқанд-Д»	14	2	0	12	13-31	6

● Шундан кейин

ОМАД ҲАМИША КЕЛАВЕРМАЙДИ

Британиянинг «Камелот» лотереяси ташкилотчилари эсанкираб қолишди. Уларнинг бунчалик ҳаяжони сабаби, сўнгги миллий рекорднинг ўрнатилганлигидадир. Гап шундаки, омадли бир инглиз 6 рақамнинг ҳаммасини тўғри топиб, тарихдаги энг катта пул ютуғи эгасига айланди — 20 миллион фунт стерлинг!

ЙЎҚОЛГАН ҲАЙКАЛЧА ТОПИЛДИ

Париж полициячилари 80 минг евро қийматига эга Данаида ҳайкалчасини топишга муваффақ бўлишди. Ҳайкалчани ўғрилар апрель ойида дарёга ташлаб юборишган эди. Ушбу ҳайкалчани машҳур француз ҳайкалтароши Огюст Годена ва унинг ўқувчиси Камилия Клодель исмли қиз ясаган.

ТАРТИБЛАР ҲАМ ЎЗГАРМОҚДА

Тез орада Шанхайдаги яна 400 та корхона электр энергиясининг етишмаётганлиги сабабли кечки ишлаш тартибига ўтадиган бўлади. Ҳозирга қадар йирик ишлаб чиқариш марказларига эга бўлган мамлакатда 2,1 минг корхона кечки тартибда ишлашга ўтган.

Улуғой ДОЛИЕВА тайёрлади.

«Спектр» Тошкент кўчаларида

Шу ойдан бошлаб Тошкент кўчаларида Екатеринбургдаги "Уралтрансмаш" корхонасида ишлаб чиқарилган "Спектр" русумли учта трамвай юра бошлайди.

"Тошшаҳарйўловчитранс" давлат уюшмасидан маълум қилишларича, "Тошшаҳарйўловчитранс" уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Шуҳрат Ибодуллаев ва "Уралтрансмаш" бош директори Юрий Комратов ўртасида шу борада шартнома имзоланди.

Ш.Ибодуллаевнинг таъкидлашича, мазкур трамвайларнинг юксак сифати, замонавий кўриниши ва қулай нархлари ўзбек транспортчилари диққатини тортди. Мамлакатимиздаги электр транспорти корхоналарининг мутасаддилари трамвайнинг ички ва ташқи безатилишида миллий ранглар устуворлигига эътибор қаратишди.

"Уралтрансмаш" трамвайлари шу йилнинг августсентябр ойларида пойтахт кўчаларида синовдан ўтказилади. Кузда эса ҳамкорлар шартнома миқёси, маҳсулотни етказиб келиш муддатларини келишиб оладилар.

Бугунги кунда икки ярим миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган пойтахтимизда 175 та трамвай хизмат кўрсатмоқда.

«Туркистон-пресс».

«Оҳангарондон» ОАЖ акциядорлари диққатига!

2004 йил 20 август соат 8.00 да «Оҳангарондон» ОАЖи маъмурий биносида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 376-сонли «Ўздонмаҳсулот» Давлат акциядорлик корпорациясини «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисидаги қарорини бажариш мақсадида «Оҳангарондон» ОАЖда тегишли чора-тадбирларни тасдиқлаш.

2. «Оҳангарондон» ОАЖга «Бекобод ун» ОАЖнинг қўшилиш йўли билан шўъба корхонасига айлантириш тўғрисида.

Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2004 йил 18 август ҳолатига ёпилади.

Кузатув кенгаши.

● Суд залидан

Раҳм қилинг онажон!

...Ҳукм ўқилди. Темир панжара ортидаги ёшгина, навниҳол соҳибжамол аёл итоаткорлик билан кишанга қўлларини тутди. Эндигина 21 ёшни қаршилаётган бу жувон узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилган бўлса-да, унга суд залида ўтирганларнинг бирортаси ачингани йўқ. Зеро, бегуноҳ фарзандининг жонига қасд қилган онага қонун адолатли жазо чорасини қўллади. Бу муддат қанчалик узоқ бўлмасин, бир куни тугаши аниқ. Лекин мудҳиш тавқи лаънатдан қутулишнинг иложи бормикан?!

1. ЁПИҒЛИҚ ҚОЗОН...

Катта оиланинг ўнинчи фарзанди бўлиб дунёга келган Шоира кенжатой бўлганлиги учунми, ҳарқалай ёшлигидан эрка бўлиб вояга етди. Ҳали балоғат ёшига етмасданоқ у ёлғиз онасининг гапини писанд қилмай, хоҳлаган ишини қиладиган бўлди. 1998 йили – 16 ёшга тўлганда, у опаси Шарофатникига бутунлай кўчиб келиб яшай бошлади. Аввалига поччасини суқланиб унга қараётганлигини сезиб, ўзини четга олиб қочадиган Шоира бора-бора бунга кўникди. Ҳатто, ёшлик бебошлик деганларидай, ўзи ҳам унга ёқишга ҳаракат қиладиган бўлди.

Бир куни уйда ёлғиз қолган Шоира поччаси Акбарнинг ишдан эрта қайтганлигини пайқамади ҳам. Бундай вазиятни кўпдан буён пойлаб юрган Акбар имкониятни қўлдан бергиси келмади. Чунки, ёшгина қайнсинглиси уни кўпдан бери ўзига ром этган эди. Қиз ҳам табиатан енгилтак, озгина тилини топса, нияти амалга ошишига шубҳа йўқ эди. Шундай бўлди ҳам.

— Агар бировга бу ҳақда чурқ этадиган бўлсанг, — деди Акбар Шоирага, — опангнинг турмуши бузилиб кетади. Буни сен хоҳламайсан-ку, тўғри-ми?

Бу воқеадан сўнг пинҳона ишқий саргузаштлар давом этиши оқибатида 1999 йилнинг 3 декабрида Шоира поччасидан фарзанд кўради. Бегуноҳ норасида гўдакка Гулмира деб исм қўйишди.

Онасининг қийноқ-қистовлари билан Шоира шу вақтгача ёпиғлиқ қозоннинг бир чеккасини очди. Натижада оила ва қариндошлар ноқонуний туғилган гўдакнинг ҳақиқий отаси ким эканлигини билишса ҳам, бунга чора кўрмасдан яна қозон ёпиғлигича қолиши керак, деган фикрга келишди.

Оила аъзолари эндигина дунёга келган Гулмирани ҳам ўз ёлғонлари гирдобига тортдилар. Аллакимнинг қўққисдан хаёлига келган оти бору ўзи йўқ инсон Маҳмуд унинг отасига айланди.

Кишини ҳайратда қолдирадиган томони шундаки, Шоиранинг на онаси, на унинг тўққиз нафар фарзанди сингиллари ҳаётида бўлиб ўтган нохуш воқеаларга ўз вақтида эътибор бермадилар. Сир сақлаш баҳонасида ҳеч ким бу тўғрида чурқ этмади.

Хуллас, ўз ножўя хатти-ҳаракатларидан изтиробда юрган Шоира биров унинг мушугини пишт демаётганини кўриб, аввалига ҳайрон бўлди, кейин қайсидир маънода ҳақ эканман, деган хулосага келди ва қандай бўлмасин, онасининг уйидан тезроқ кетишга ошиқди.

Гулмира беш ойлик бўлганда тасодифан у бўстонлиқлик Шокирбек билан танишиб қолди. Улар қонуний никоҳдан ўтиб, яшай бошлаган бўлсалар-да, куёвнинг режалари мутлақо бошқа эди. Кўпни кўрган йигит қадди-басти келишган навниҳол жувонга вақтинчалик эрмак деб қаради. Натижада орадан икки йил ўтар-ўтмас Шокирбек Россияга ишлагани кетяпман, деб қорасини кўрсатмай кетди...

«Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтиш»га ўрганиб қолган Шоира эса, эрини кутиб ўтиришга сабри чидамай, онасининг хонадонига қайтиб келди. Умрида бирор кун ишламаганлиги учун у болалар боғчаси тарбиячилигини ҳам ёлчитмади. Тез орада ишдан бўшаб кетди. Кўнгли шоҳона яшашни, ўйин-кулгуни тусар, шуларни ўйласа, юраклари орзиқиб кетарди. Буларнинг ҳаммасига битта нарса — қизи Гулмира ҳалақит берарди. У қизига айнан кераксиз буюм деб қарарди. Ундан қандай бўлмасин қутулиш керак, деб ўйларди Шоира. Лекин қандай қилиб??? Болалар уйига топширай деса, онаси, қариндошлари рози бўлишмайди. Кейин миясига даҳшатли бир фикр келди. Бу фикрдан сесканмаганига ўзи ҳам ҳайрон қолди. У ана шундай ўй-хаёллар билан тошойнадаги, нозанин жувоннинг таранг гавдасию хипча белига катта-катта кўзлари билан суқланиб боқаркан, оғир «уф» тортди.

Шу орада, 2003 йилнинг февралида, Шоира акаси билан бирга ишлайдиган Сабриддиннинг никоҳсиз бирга яшаш тўғрисидаги таклифига рози бўлди-ю, уч кишидан иборат янги оила Чирчиқ шаҳридаги кичик даҳалардан бирида яшай бошлади.

2. ҚАБОҲАТ

Орадан бир ой ўтгач, кунлардан бирида Сабриддин ўгай қизининг «туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси»да отасининг исми Маҳмуд эканлигини ўқиб қолди.

— Мен илгариги турмуш ўртоғингни танирдим, уни исми-шарифи Шокирбек эди-ку, — деди хотинига.

Эрининг қистови билан Шоира бор ҳақиқатни айтиб берди. Гарчи Сабриддин аввал тўғрисини айтмагани учун хотинини койиган бўлса-да, болада айб йўқлигини тан олди. Лекин унинг койигани Шоиранинг болага нисбатан нафратини янада илдиз оттирди.

Шу кундан бошлаб, қарийб икки ой давомида Шоира қизи Гулмирани гумдон қилиш пайига тушди.

2003 йилнинг 25 апрель куни кундузи соат 12 ларда унинг хушторларидан бири қўнғироқ қилиб, кўнгилхушлик қилишни таклиф этди. Телевизор кўриб ўтирган Гулмира онасига эргашиб, «Мени ҳам олиб борасизми, ойижон?» деди. Ваҳший онанинг бундан жаҳли чиқиб, «сенга пишириб қўйибдими? Сени ҳозир зўр жойга ўзим кузатиб қўяман» деб даҳлизга судраб олиб чиққанида норасида гўдак ўз умрининг саноқли дақиқалари қолганлигини ҳали билмасди. У онасининг қўлидаги катта ошхона пичоғини кўргани билан унга эътибор бермади... Шоира нима қилиб қўйганини англаб, қўлидаги пичоқни ўзининг кекирдагига олиб борди. Лекин сал ўтмай, оғриқ зарбидан чалқанчасига йиқилди. У биродан кейин хушига келганида, қизи қип-қизил қонга беланиб ётарди. Уни кўтариб ётоқхонага олиб кирди. Кийимлари жиққа қон бўлган Гулмиранинг устига кўрпа ёпиб қўйди. Кейин ойнага қараб, томоғининг кесилган жойини шошилмай, латта билан боғлади-да, эшикни қулфлаб, қўшни уйда яшайдиган овсини Покизаникига чиқиб, бўлган воқеани имо-ишора билан тушунтирди.

Чирчиқ шаҳрини ларзага солган бу мудҳиш воқеа ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ипидан-игнасигача жиддий текширилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди қотил она Шоира Исматовага (исми-шарифлари ўзгартирилди) 12 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Жиноятчи қонун билан белгиланган жазони олди. Қанчалик узоқ бўлмасин жазо муддати бир кун тугайди. Лекин ўз фарзанди қотилига айланган онанинг виждон азоби бир умр уни тарк этмаслиги муқаррар.

Рустам ХУДОЙҚУЛ.

Яккасарой туманидаги «ДУБЛЬ-БИС» (ОКПО 16239814) хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 185-89-16 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, Чилонзор туманидаги 162-мактаб томонидан 2004 йилда Рахматуллаев Хусан Хикматиллаевич номига берилган № 0967634 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Адилова Дилорам Акмаловна номига 1993 йил 22 январда № 09-02/3344 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Umida-ilm» шўъба корхонасига тегишли думалоқ мухр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный аттестат за № 034842, выданный средней школой № 217 Акмаль Икрамовского района г. Ташкента в 1982 году на имя Архиревой Ольги Евгеньевны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный гос. ордер за № 10-01/15906 от 11.03.93 г. на право собственности на квартиру Меркулова Николая Николаевича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный гос. ордер за № 04-01/18560 от 26.04.93 г. на право собственности на квартиру Джабировой Лолы Уктамовны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный вкладыш на бесплатный проезд в городском транспорте за № 242479, выданный ассоциацией «Тошшаҳарйўловчитранс» на имя Сибагатуллина Гиян Гилязовны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШАХИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-949. Адади 5863. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5